



ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Эргашев А.Б

Ўзбекистон Республикаси Хуқуқни муҳофаза
қилиш академияси “Прокурорлик фаолияти”
йўналиши магистратура тингловчиси

Аннотация: Илмий мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят - ижроия қонунчилигини такомиллаштириш зарурати ва унинг айрим масалалари, шунингдек, қонунчиликка тақлиф этилаётган нормаларни қўллаш истиқболлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноий жазо, жазоларни ижро этиш, прокурор назорати, маҳкум, қонунчиликни такомиллаштириш, норма, озодликни чеклаш, ахлоқ тузатиш ишлари.

Аннотация: В научном документе анализируется необходимость совершенствования законодательства Республики Узбекистан об уголовно - исполнительной власти и рассмотрены такие вопросы, как, например, шунингдек, законодательство, предлагающее нормальную этику.

Ключевые слова: уголовное наказание, исполнение приговоров, надзор прокурора, обвинительный приговор, совершенствование законодательства, норма, ограничение свободы, исправительные работы.



Abstract: The scientific document analyzes the need to improve the legislation of the Republic of Uzbekistan on the criminal executive branch and examines such issues as, for example, shuningdek, legislation offering normal ethics.

Key words: criminal punishment, execution of sentences, supervision of the prosecutor, conviction, improvement of legislation, norm, restriction of freedom, correctional work.

Ҳозирги замонавий дунёда энг улуғвор масала инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши ҳисобланади. Мамлакатимиз қонунчилигида бунга алоҳида ёндашилади. Бинорбарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида¹: “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий маъқейидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар”, деб белгиланган. Гап инсон ҳуқуқлари ҳақида кетар экан, ҳар кимнинг, шу жумладан, қонунчиликда белгиланган айрим истисно ва чекловларни инобатга олмаган ҳолда жиноят содир этган шахсларнинг ҳам ҳуқуқлари эъзозланмоғи керак.

Маълумки, сўнги йилларда суд-ҳуқуқ тизими соҳасида жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон Фармони билан белгиланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясисида фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш, жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини такомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг



жорий этиш ҳамда қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни такомиллаштириш вазифалари белгиланган.

Шунингдек, 2023-йил 21-февральдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилишида келтирилган статистик маълумотларга кўра муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2021 йилда 9 724 тани ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2022 йилда 11 635 тага етган, яъни 19,6 фоизга ошган. Шу каби, судланганлар сони 2020 йилда 27 999 тани, 2021 йилда 45 010 тани, 2022 йилда 56542 тани 2023 йилда эса 55 763 тани ташкил этган. Ушбу маълумотлар жиноятлар ва қайта жиноят содир этилиши ҳолатлари ҳам ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Мазкур кўрсаткичлар иккита масаланинг жуда долзарблигини кўрсатиб бермоқда. **Биринчиси**, атига охириги 5 йилда аҳоли демографик кўрсаткичи фоизлар кўрсаткичи жуда катта ўзгармаган ҳолда, жиноятларнинг ўсиш динамикаси жуда катта даражада ўзгараётганлиги бўлади. Бу эса, ҳуқуқий маданиятни ошириш, ҳуқуқий тарғибот соҳаси учун ўзига хос “сигнал” бўлиши зарур. Ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятларнинг олдини олиш, профилактика соҳасида ишлар етарли даражада эмаслиги кўринади. **Иккинчиси**, жиноий жазолар кўпайгани сайин унинг ижро қилиш механизми ҳам қийинчиликларга дуч келиши мумкин. Яъни жазо кўп бўлса, уни ижро этиш мураккаблашади. Мураккаблашув мавжуд бўлганда эса, ижрода қонунбузилиш ҳолатлари кўпайиши назарий жиҳатдан асосли ҳисобланади.

Бундан ташқари, 2023-йил 21-февралдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилишида келтирилган статистик маълумотларга кўра муқаддам судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2021-йилда 9 минг 724 тани ташкил қилган бўлса, мазкур кўрсаткич 2022-йилда 11 минг 635 тага етган, яъни 19,6 фоизга ошган. Шу каби муқаддам жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар сони 2021-йилда 168 тани ташкил этган бўлса, 2022-йилда 9,5 фоизга ошиб, 184 тани ташкил этган. Ушбу



маълумотлар, қайта жиноят содир этилиши ҳолатларининг ҳам салмоғи ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат ҳисобланади. Қайтадан жиноятларни олдини олиш ҳам юқорида билдирилган фикрларимизга асосан, жазонинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Яъни суд томонидан айбдор деб топилганларнинг такроран жиноят содир этиши жиноий жазоларни ижро этиш институти билан бевосита боғлиқ масала ҳисобланади. Яъни, жиноятга жазо мақсадига эришилмаётганлигини англатади. Шундай экан, жазоларни ижро этишда ҳуқуқий маданиятни оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда жиноий жазолар ижро устидан прокурор назоратини амалга ошириш механизмини ислоҳ қилиш ва шу орқали фуқароларнинг ҳуқуқлар ва қонуний манфаатларини маъмурий органлар ва уларнинг мансабдор шахслари ноқонуний қарорлари ва ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) орқали бузилиши олдини олишга қаратилган ишлар амалга ошириб келинмоқда. Юқорида тадқиқ қилинган мавзу доирасида қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан амалий қонунчиликка ҳамда назарий таклифлар ишлаб чиқилди. Қуйида уларни ҳар бирига тўхталган ҳолда уларни таклиф сифатидаги ўрнини тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз.

Биз жиноий жазоларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини амалга ошириш усулини амалдаги қонунчилик доирасида назарий жиҳатдан **икки турга** бўлиб чиқамиз.

Биринчи тур – “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг 31-моддасида назарда тутилган ваколатлар доирасида амалга оширилган текширишлар ва бошқа маълумотлар асосида амалга оширилади.

Иккинчи тур – Жиноят-ижроия кодекси ҳамда бошқа жиноий жазоларни ижро этишга доир белгиланган қоидаларга мувофиқ прокурорнинг иштироки,



хабардорлиги, рухсат бериши шарт бўлган ҳаракатларни амалга ошириш орқали амалга оширилади.

Биринчи турда биз прокурор назоратини маълум ўрганишлар орқали амалга оширсак, иккинчи турдаги прокурорнинг иштироки шарт этиб белгиланган. Бундай белгиланиши асос тадқиқот ишида ёритилганидек, қонунчиликка мувофиқ прокурорни хабардор қилиш, прокурор тасдиғини олиш каби жазони ижро этишга доир процессуал ҳаракатлар белгиланганлиги ҳамда прокурорнинг жазони ижро этувчи органлар фаолиятини бевосита текшириш орқали ўрганиш ваколати мавжудлиги ҳисобланади. Юқоридаги икки тур бўйича биринчи турда бевосита текширув натижалари асосида амалга оширилса, иккинчиси ижрога оид муносабатларда бевосита прокурорнинг иштироки асосида амалга оширилиши нуктаи назаридан келиб чиқишга урғу бериш лозимлиги назарда тутиляпти.

Шунингдек, қонунчиликни такомиллаштириш масалалари ҳам долзарб аҳамиятга эга эканлиги намоён бўлмоқда. Жумладан:

1. Жинойт-ижроия кодексининг 106-моддасини, “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари” 436-бандини қуйидаги қўшимча билан тўлдириш таклиф этилади:

“Жазони ўташ тартибини бузганлик учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тарзидаги интизомий жазо чораси қўлланилганда бу ҳақида икки кун ичида прокурор хабардор қилинади.”

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун 31-моддаси 2-қисмида белгиланган нормага кўра, қонунга хилоф равишда интизомий жавобгарликка тортишнинг ҳар бир факти ҳақида юқори турувчи прокурорни кейинчалик хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга



нисбатан қўлланилган интизомий жазо чорасининг қонунийлигини мажбурий текширишни амалга ошириши шарт.

Маълумки, интизомий жазолар ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади. Яъни, маълум бир ҳуқуқий оқибатни юзага келтиради. Маҳкумларнинг уларга нисбатан қўлланилган интизомий жоралар устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари мавжуд бўлсада, интизомий бўлинмага киритиш интизомий чораси қўлланилиши билан маҳкумларнинг бир қатор ҳуқуқлари чекланади ва бундай ҳолатда маҳкумга нисбатан қўлланилган интизомий чораси юзасидан унинг шикоят қилиш ҳуқуқлари ҳам мазкур чорани қўлловчи шахслар томонидан чекланишига сабаб бўлиши мумкин. Шунга кўра, “интизомий бўлинмага киритиш” чораси қўлланилган ҳар бир ҳолат ҳақида унинг асослилигини ўрганиш учун прокурорга ахборот бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2. Ўзбекистон республикаси Жиноят-ижроия кодекси 44³-моддасига 2-қисмини қуйдаги тарзда баён қилиш таклиф этилади:

“Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб нисбатан электрон кузатув воситалари қўлланилади”.

Чунки, Мамлакат Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора- тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ тасдиқланган “йўл харитаси”да кайд этилган 2021-2022 йилларда бажарилиши лозим бўлган “Пробатсия назоратидаги шахсларни масофадан туриб назорат қилишни таъминловчи замонавий ахборот ва коммуникация технологияларини татбиқ этган ҳолда Пробатсия хизмати фаолиятини такомиллаштириш, хусусан: пробатсия назоратидаги шахсларнинг ҳуқ-атворини реал вақт режимида кузатиш учун электрон браслетдан фойдаланиш амалиётини жорий этиш, электрон браслетларни ҳамда маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш учун сервер ва ушбу тизимга алоқадор қурилмаларни харид қилиш, мониторинг



қилишнинг замонавий мобил технологияларини татбиқ этиш, махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш вазифалари белгиланган бўлсада, ҳозирги кунга қадар соҳада бирон-бир айтарли иш амалга оширилмаган.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахсга электрон кузатув воситалари қўлланилишини мажбурий қилиб қўйиш орқали жазолар ижросини самарали назорат қилиш имконияти вужудга келади.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси
44³-моддасига 3-қисмини қуйдагича қўшимча киритиш таклиф этилади:

“Озодликни чеклаш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахснинг ўз яшаш жойидан кетиши, яшаш жойини ўзгартириши, тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши ёки иш-ўқиш жойини ўзгартиришига уларга яқин қариндошининг ўлими ёки оғир касаллиги, маҳкумнинг тиббий ёрдамга эҳтиёжи, бахтсиз ҳодиса туфайли яшаш жойида қолиш имкониятининг мавжуд эмаслиги тўғрисида етарли маълумотлар мавжуд бўлгандагини йўл қўйилади”.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси 44³-моддасининг 3-қисмига мазкур таклиф этилаётган тарзда қўшимча киритилиши орқали маҳкум қандай ҳолатларда яшаш жойидан кетиши, яшаш жойини ўзгартириши, тегишли маъмурий ҳудуд доирасидан чиқиши ёки иш-ўқиш жойини ўзгартириши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз мумкин бўлади. Бу ўз навбатда, норманинг ҳамма учун бир хилда қўлланилишига имконият яратади.

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг
44⁴-моддаси 2-қисмини қуйидагича ўзгартиш таклиф этилади:

“Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазоларни ижро этиш инспекцияси судга маҳкум учун



*озодликни чеклашнинг ўталмаган муддатини **озодликдан маҳрум қилиш жазосига** алмаштириш ҳақида тақдимнома киритади.*”

Чунки, Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек, суд томонидан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, жазонинг ўталмаган муддатини жазонинг айнан қайси тури билан алмаштириш мумкинлиги қонунчиликда белгиланиши лозим. Қонунчиликка бундай ўзгартириш киритиш орқали, маҳкумга ва айни вақтда қонунни қўлловчи, яъни судга масъулият юклаб, қонунни қўллашда субъективликка йўл қўйилишини олдини олишга хизмат қилади.

Шу ўринда, Жиноят Кодекси 48¹-моддаси 6-қисмини қуйидаги шаклда ўзгартириш лозим бўлади:

*“Маҳкум озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини **озодликдан маҳрум қилиш жазоси** билан алмаштириши мумкин”.*

5. Жиноят-ижроия кодексининг 32-моддасини қуйидагича 2,3-қисмлар билан тўлдириш лозим:

*“Қуйидагилар **ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиби ва шартларини бузиш** деб ҳисобланади:*

- 1) маҳкумнинг ишга жойлаштирилганлиги тўғрисидаги пробация хизмати хабарномасини олганидан сўнг беш кун мобайнида узрсиз сабабга кўра ишга келмаслиги;*
- 2) маҳкумнинг пробация хизматига узрсиз сабабга кўра келмаслиги;*
- 3) прогул қилиш ёки алкогольли ичимликдан, гиёҳвандлик воситасидан мастлик ҳолатида ишга келганлиги.*



Жазони ўташ тартиби ва шартларини биринчи марта бузган маҳкумларга жазоларни ижро этиш инспекцияси томонидан ёзма равишда огоҳлантириш берилади. Огоҳлантириш берилганидан сўнг ҳам ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиби ва шартларини бузган, шунингдек доимий яшаш жойидан кетиб қолган, қаердалиги номаълум маҳкум ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан ашаддий бўйин товлаган шахс деб топилади”.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Жиноят-ижроия кодексининг 32-моддаси таклиф этилаётган таҳрирда баён қилиниши, унда ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташ тартиби ва шартларини бузганлик, шунингдек уни ўташдан ашаддий бўйин товлаганликнинг ҳукукий оқибатлари аниқ кўрсатилиши орқали қонунчиликни қўллашда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиши мумкин.

6. Жиноят-ижроия кодексининг 27-моддасига 1-қисм 4-бандини қуйидагича ўзгартириш:

“маҳкумлар томонидан жазони ўташ тартиби шартларига риоя этилишини, маҳкум ишлайдиган қорхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм талаблари ижро этилишини ҳар чоракда камида бир маротаба текширади;”

7. Жиноят-ижроия кодексининг 27-моддасига 2-қисм қуйидаги норма билан тўлдириш:

Шунингдек, Ички ишлар органларининг жазоларни ижро этиш инспекцияси маҳкумга нисбатан ойда икки маротаба пробация хизматига келиб рўйхатдан ўтиш мажбуриятини юклаши мумкин.

Қонунчиликда Маҳкумлар томонидан жазони ўташ тартиби шартларига риоя этилишини, маҳкум ишлайдиган қорхона, муассаса ва ташкилот маъмурияти томонидан ҳукм талаблари ижро этилишини ҳар чоракда камида бир маротаба текширилиши белгилаш, шунингдек маҳкумга нисбатан ойда икки маротаба пробация



хизматига келиб рўйхатдан ўтиш мажбуриятини юклаш ваколати берилишини белгилаш орқали ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётган шахслар устидан назоратни кучайтириш ва жазони тўғри ижро этилишини янада таъминлаш мумкин бўлади.

8. Жиноят-ижроия кодексининг 106-моддасини, “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидалари” 436-бандини қуйидаги қўшимча билан тўлдириш таклиф этилади:

*“Жазони ўташ тартибини бузганлик учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан **интизомий бўлинмага киритиш тарзидаги жазо чоралари қўлланилганда бу ҳақида икки кунлик муддат ичида ичида прокурор хабардор қилинади**”.*

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун 31-модда 2-қисмида белгиланган нормага кўра, қонунга хилоф равишда интизомий жавобгарлик тортишнинг **ҳар бир факти** ҳақида юқори турувчи прокурорни кейинчалик хабардор қилган ҳолда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ тартибини бузганлик учун маҳкумларга нисбатан қўлланилган **интизомий жазо чорасининг қонунийлигини мажбурий текширишни амалга ошириши шарт**. Маълумки, интизомий жазолар ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади. Яъни, маълум бир ҳуқуқий оқибатни юзага келтиради. Маҳкумларнинг уларга нисбатан қўлланилган интизомий жоралар устидан шикоят қилиш ҳуқуқлари мавжуд бўлсада, интизомий бўлинмага киритиш интизомий чораси қўлланилиши билан маҳкумларнинг бир қатор ҳуқуқлари чекланади ва бундай ҳолатда маҳкумга нисбатан қўлланилган интизомий чораси юзасидан унинг **шикоят қилиш ҳуқуқлари ҳам** мазкур чорани қўлловчи шахслар томонидан **чекланишига сабаб бўлиши мумкин**. Шунга кўра, “интизомий бўлинмага киритиш” чораси



қўлланилган ҳар бир ҳолат ҳақида унинг асослилигини ўрганиш учун прокурорга ахборот бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бу орқали ўз навбатида жиноий жазоларни қўллашдан кўзланган мақсадга, яъни жиноят содир этган шахсларни тарбиялаш учун етарли жазони ўташ тартибини жорий этиш ва келгусида улар томонидан қайта жиноят содир этилишини олдини олиш мумкин бўлади ва миллий қонунчиликка имплементация қилиш ижобий самара беради.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 19-модда, 2-қисм. 01.05.2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони, Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
3. 2023-йил 21-февралдаги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг йиғилиши Жазо сиёсатидаги енгилликлар янги жиноятлар учун йўл очяпти(ми?) (uza.uz)
4. <https://stat.sud.uz> Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2018-2022 йиллар ҳамда 2023 йил асосий кўрсаткичлари
5. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси.
6. Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун.
7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарори, 23.05.2023 йилдаги 3225-IV-сон “Пробация тўғрисида”ги қонун-лойиҳаси.
8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ишларни ташкиллаштириш, ижро интизомини янада мустаҳкамлаш ва таҳлилий фаолият самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 172-сонли буйруғи